

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

230 2016 — 2020 йиллар даврида Тошкент ҳайвонот боғини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида

Тошкент ҳайвонот боғини (кейинги ўринларда ҳайвонот боғи деб аталади) замонавий маданий-томоша ва илмий-маърифий давлат муассасаси сифатида ривожлантириш, ҳайвонот боғи коллекциясини ноёб ва экзотик ҳайвонлар билан тўлдиришни таъминлаш, шунингдек ҳайвонларни сақлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

2016 — 2020 йиллар даврида Тошкент ҳайвонот боғини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) 1-иловага мувофиқ;

2016 — 2020 йиллар даврида Тошкент ҳайвонот боғини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари режаси (кейинги ўринларда Тадбирлар режаси деб аталади) 2-иловага мувофиқ маъқуллансин. Тадбирлар режаси қўйидагиларга йўналтирилган комплекс тадбирларни назарда тутди:

ҳайвонот боғи объектлари қуриш, уларни реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ҳамда ёввойи ҳайвонларни тутқинликда сақлаш бўйича халқаро талабларга мувофиқ жиҳозлаш йўли билан ҳайвонот боғи инфратузилмаси ва моддий-техника базасини такомиллаштириш;

зоологик изланишлар, зоологик лабораториялар ва зоомухандисликни ривожлантириш учун замонавий илмий мажмуа ташкил этиш йўли билан илмий-тадқиқот ва селекция фаолиятини ривожлантириш;

ҳайвонларни тутқинликда сунъий кўпайтириш, бошқа ҳайвонот боғлари билан ҳайвонларни айирбошлаш, мақсадли маҳсус ва эпизоотга қарши тадбирларни амалга ошириш ҳисобига ҳайвонот боғи генофондини сақлаш, тўлдириш ва янада бойитиш;

мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун маҳсус тўғарақлар ташкил этиш, мактаб ўқувчилари учун мультимедиа таълим ресурсларини ишлаб чиқиш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабаларининг ҳайвонот боғида ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётидан ўтишларини ташкил этиш, ўқув курслари, экскурсиялар, кўргазмалар, шунингдек телекўрсатувлар ташкил этиш ва оммавий

ахборот ворситаларида материаллар эълон қилиш йўли билан таълим ва маърифий фаолиятни ривожлантириш;

веб-сайтни такомиллаштириш, ҳайвонот боғи павильонларининг жойлашиши тўғрисидаги батафсил маълумотлар мавжуд бўлган электрон харита — йўл кўрсатувчи яратиш йўли билан ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва кенг қўллаш.

2. Ҳайвонот боғи ҳудудидаги объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларини амалга ошириш доирасида:

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» ижиниринг компанияси — буюртмачи этиб;

«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонаси — бош лойиҳачи этиб белгилансин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги белгиланган тартибда:

ҳайвонот боғи объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини;

Тадбирлар режаси амалда рўёбга чиқарилишини таъминлайдиган асосланган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига ўз вақтида киритилишини;

Тадбирлар режасида назарда тутилган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларини бажариш учун пудрат ташкилотлари сифатли аниқланишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизаси зарур тарзда ўтказилишини белгиланган тартибда таъминласин ҳамда қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши устидан қатъий давлат архитектура-қурилиш назорати ўрнатсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ бажарилган буюртмачининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича 2016 йилда ҳайвонот боғи объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашни молиялаштириш манбалари бўйича аниқ таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Ҳайвонот боғини сақлаш учун унинг харажатларининг ўз даромадлари билан қопланмаган қисмига бюджетдан маблағ ажратиш тартиби сақлаб қолинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ҳайвонот боғининг ўз эҳтиёжлари учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган махсус биопрепаратлар, витаминлар, озуқа, асбоб-ускуналар, асбоб-ускуналарга бутловчи буюмлар ва сарфлаш материаллари, шунингдек экзотик ҳайвонлар харид қилиш учун зарур бўлган маблағлар ҳайвонот боғининг буюртманомалари бўйича ўз вақтида конвертация қилинишини таъминлаш тавсия этилсин.

7. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳайвонот боғининг ўз эҳтиёжлари учун харид қилинадиган махсус биопрепаратлар, витаминлар, озуқа, асбоб-ускуналар, асбоб-ускуналарга бутловчи буюмлар ва сарфлаш материалларини, шунингдек экзотик ҳайвонларни ташиш учун эълон

қилинган юк тарифларининг 10 фоизи миқдорида чегирма берилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

2016 йил 15 июлгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида Тошкент ҳайвонот боғининг филиалларини қуриш ва Термиз шаҳри ҳайвонот боғини реконструкция қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқирилишини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган Тадбирлар режасига киритилган тадбирларни биргаликда молиялаштириш учун хорижий инвестицияларни, донор-мамлакатларнинг кредитлари ва грантларини жалб этиш ишлари мунтазам олиб боририлишини;

Тошкент ҳайвонот боғи билан биргаликда Тадбирлар режаси бажарилиши ҳақидаги ахборот Вазирлар Маҳкамасига йилнинг ҳар чорагида киритилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.И. Икрамов ва Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 20 май,
163-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 20 майдаги 163-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2016 — 2020 йиллар даврида Тошкент ҳайвонот
боғини ривожлантириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

«Тошкент ҳайвонот боғи» давлат муассасаси (кейинги ўринларда ҳайвонот боғи деб аталади) ҳайвонларнинг ноёб ва қимматли турларини сақлаш, кўпайтириш ва табиатга қайта қўйиб юборишга ихтисослашган марказий маданий-томоша ва илмий-маърифий муассаса ҳисобланади, халқаро Қизил китобга ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонлар коллекциясини ташкил этиш ва уларни сунъий кўпайтириш, аҳолини республика ва жаҳон фаунаси билан таништириш бўйича мақсадли фаолиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

Ҳайвонот боғининг умумий майдони 21,5 гектарни ташкил этади. Бугунги кунда унда 7 мингдан ортиқ ноёб, экзотик ва йўқолиб бораётган ҳайвонлар, балиқлар ва қушлар турлари мавжуд.

I. Концепциянинг мақсад ва вазифалари

1. Ҳайвонот боғини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда яқин ва узоқ муддатли истиқболда марказий маданий-томоша ва илмий-маърифий муассаса сифатида унинг фаолиятини ташкил этиш 2016 — 2020 йиллар даврида Тошкент ҳайвонот боғини ривожлантириш концепциясини (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) ишлаб чиқишнинг мақсади ҳисобланади. Концепцияни изчил амалга ошириш ҳайвонот боғининг коллекция фондиди тизимли бойитиш ва ўрнини тўлдириш, Ўзбекистоннинг табиий бойлигини, айниқса ҳайвонларнинг ноёб, эндемик ва Қизил китобларга киритилган турларини мунтазам ўрганиш ва сақлаш ишларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қўшимча туртки беради ва янги имкониятлар очади.

2. Мазкур Концепция ҳайвонот боғини ривожлантириш ва унинг доимий фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги асосий йўналишларини назарда туттади:

инфратузилма ва моддий-техник базани такомиллаштириш;
илмий-тадқиқот ва селекция фаолиятини ривожлантириш;
ҳайвонот боғи коллекция фондиди сақлаш, бойитиш ва ўрнини тўлдириш ишларини тизимли ташкил этиш;
таълим ва маданий-маърифий фаолиятни ривожлантириш;
ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ва фаол жорий этиш.

II. Ҳайвонот боғини ривожлантириш бўйича фаолиятнинг асосий йўналишлари

1. Инфратузилмани ва моддий-техника базани ривожлантириш

3. Ҳайвонот боғининг маданий-томоша ва илмий-маърифий фаолиятини ривожлантириш, биринчи навбатда, ҳайвонот боғининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни, мавжуд худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, муҳандислик тармоқларини (сув таъминоти, иситиш, электр таъминоти, канализация коллекторлари тизимларини) таъмирлаш ва тиклаш ишларини оқилона ташкил этиш ва амалга ошириш йўли билан ҳайвонларни сақлаш учун уларнинг табиий яшаш муҳитига энг кўп яқинлаштирилган янада қулай шарт-шароитлар яратишни талаб этади.

4. Ҳайвонот боғининг инфратузилмасини ривожлантириш қуйидагиларни назарда туттади:

мавжуд экспозиция вольерлари ташқи кўринишини жаҳоннинг етакчи ҳайвонот боғлари мисолида тубдан ўзгартириш;

мавжуд вольерларни реконструкция қилиш ва коллекциянинг сон ва тур таркибини кенгайтириш учун янги замонавий вольерлар қуриш;

болалар учун кўнгилочар-аттракция майдончалари ташкил этиш;

ҳайвонот боғи ҳудудида юқори технологияли «Акванариум» қуриш ва денгиз жониворлари ва балиқларидан иборат экспозиция яратиш;

фаунистик тадқиқотларни ривожлантириш учун замонавий илмий мажмуа, шунингдек зоология ва зоомуҳандислик лабораториялари барпо этиш;

ҳайвонот боғи ветеринария шифохонасининг техник базасини мустаҳкамлаш ва замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш (электрокардиограф, ультратовушли сканер, наркозли нафас бериш аппарати, лаборатория анализаторлари, эндоскопик ва рентген ускуналари);

ҳайвонот боғининг ҳар бир экспозиция объектини ўз йўналишини ҳисобга олган ҳолда ободонлаштириш.

2. Илмий-тадқиқот ва селекция фаолиятини ривожлантириш

5. Ҳайвонот боғи фаолияти жараёнида турли фауналарга мансуб ҳайвонларни янги иқлимга кўниктириш (акклимитизация) ва иқлимлаштиришнинг дастлабки босқичи (интродукция) натижалари тизимли асосда умумлаштириладиган илмий-маърифий муассаса сифатида фаолият кўрсатади.

Маҳаллий фауна ҳайвонлари ҳисобига коллекциянинг тур таркибини тизимли асосда тўлдириш ва бойитиш тадбирларини амалга ошириш ҳамда ҳайвонларнинг ноёб ва йўқолиб бораётган турларини жаҳоннинг бошқа ҳайвонот боғлари билан айирбошлаш борасидаги фаолиятни кенгайтириш, булар янги жуфтларни шакллантириш ва ҳайвонот боғи коллекцияси тур таркибини генетик янгилаш учун амалий имконият ҳисобланади.

Илмий фаолиятни ривожлантириш, кадрлар малакасини оширишни ва жаҳоннинг етакчи ҳайвонот боғлари мутахассислари билан иш тажрибасини алмашишни тизимли ташкил этиш долзарб йўналишлар ҳисобланади.

6. Илмий тадқиқотларнинг янада юқори даражасига эришиш мақсадида ҳайвонот боғининг илмий салоҳиятини жумладан инновация йўналишлари бўйича ошириш қўйидагиларни таъминлайдиган чора-тадбирлар қабул қилинишини талаб қилади:

тузилмани ривожлантириш, жаҳоннинг етакчи ҳайвонот боғлари мисолида замонавий йўналишлар бўйича янги ихтисослаштирилган бўлимлар (бўлимлар ва лабораториялар) ташкил этган ҳолда илмий-тадқиқот ва илмий-маърифий ишларни кенгайтириш;

ветеринария тадқиқотларининг замонавий даражасини таъминлаш учун лаборатория инфратузилмасини такомиллаштириш;

зараркунандалар ва ҳайвонларнинг касалликларининг доимий мониторингини олиб бориш;

маҳаллий шароитларда ҳайвонларнинг қимматли ва ноёб турлари ва зотлари селекцияси ва инкубацияси бўйича замонавий технологияларга ра-
вон ўтишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Ҳайвонот дунёси коллекциясини сақлаш, тўлдириш ва бойитиш

7. Ҳайвонот боғи экспозицияларини сақлаш, тўлдириш ва бойитиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

ҳайвонларни тутқинликда сунъий равишда кўпайтириш;

табиатдан ҳайвонлар олиш;

аниқ мақсадга йўналтирилган махсус, эпизоотга қарши тадбирларни мунтазам асосда олиб бориш;

бошқа ҳайвонот боғларининг ҳайвонлари билан айирбошлаш орқали ҳайвонот боғи генофондини сақлаш ва бойитиш;

ҳайвонларни белгиланган тартибда сотиб олиш.

4. Таълим ва маданий-маърифий фаолиятни ривожлантириш

8. Ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллигини ўрганиш, ўсиб келаётган ав-
лодда жониворларга муҳаббат ва уларни эҳтиёт қилиш туйғусини тарбия-
лашда мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим
соҳасида ҳайвонот боғи муҳим ўрин тутади.

Қайд этиш зарурки, ўқитиш бевосита амалий машғулотлар билан уз-
луксиз боғлиқлиги, жараёнда ҳайвонларнинг бевосита иштирок этиши ҳай-
вонот боғидаги таълим жараёнининг бош хусусияти ва фарқ қилувчи устун-
лиги ҳисобланади.

Ҳайвонлар билан, айниқса жаҳоннинг бошқа қитъаларида яшайдиган
ҳайвонлар билан юзма-юз танишиш учунгина эмас, балки улар билан иш-
лашнинг амалий кўникмаларига эга бўлиш учун имконият берадиган ре-
сурс сифатида ҳайвонот боғининг мутлақ роли айнан мана шунда намоён
бўлади.

9. Ҳайвонот боғининг таълим дастури таълим олувчиларнинг ёшига қараб
қуйидаги турларга бўлинади:

мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим;

маданий ва маърифий фаолият.

10. Умумий таълим мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун таш-
кил этилган «Ёш табиатшунос» тўғарагида машғулотлар ташкил этилишини
назарда тутади.

11. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари учун мультимедияли таъ-
лим ресурслари ишлаб чиқилишини, ҳайвонот боғида дарслар ўтказилиши-

ни, бевосита жалб этилган ўқувчилар иштирокида синфдан ташқари илмий-амалий ва тадқиқотчилик фаолияти амалга оширилишини назарда тутди.

12. Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабалари учун мультимедияли таълим ресурсларини ишлаб чиқиш, ҳайвонот боғида ишлаб чиқариш, дипломолди амалиётидан ўтиш, бакалаврларнинг диплом, битириш малака ишларини ҳамда магистрлик диссертацияларини тайёрлаш, шунингдек ўқув курсларини ташкил этилишини назарда тутди.

13. Маданий ва маърифий фаолият тадбирларнинг кенг доирасини, шу жумладан қуйидагиларни қамраб олади:

хайвонот боғи тўғрисидаги кўргазмали ахборот материалларини ишлаб чиқиш, нашр этиш, тайёрлаш ва эълон қилиш;

экскурсиялар, кўргазмалар, оммавий маърузалар, телекўрсатувлар ташкил этиш, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

«Бутунжаҳон ер куни», «Бутунжаҳон атроф муҳит куни», «Бутунжаҳон биологик хилма-хиллик куни» «Декоратив кабутарлар фестивали» каби атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига бағишланган тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш.

5. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва кенг қўллаш

14. Ҳайвонот боғи фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ахборот ресурсларидан кенг фойдаланиш ва аниқ мақсадли аудиторияни маърифий фаолият билан янада самарали қамраб олиш, шунингдек ҳайвонот боғининг реклама-туристик салоҳиятини ривожлантириш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш ва кенг қўллаш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш зарур.

15. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва кенг қўллаш:

ахборот-ўқитиш ресурсларини жорий этиш ва тақдим этиш йўли билан (электрон кутубхоналар, электрон китоблар, электрон даврий нашрлар, ахборот тизимлари);

интерфаол шаклда (веб-сайт, электрон почта, электрон телеконференция);

қидирув ресурслари (каталоглар, қидирув тизимлари) орқали амалга оширилади.

16. Ҳайвонот боғида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш тадбирлари қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади:

хайвонот боғининг веб-сайтида ва оммавий электрон қидирув тизимларида (Google ва бошқалар) ҳайвонот боғи тўғрисида батафсил маълумотни жойлаштириш;

хайвонот боғи ҳайвонот дунёси генофонди шаклланиши тарихига ва унинг ҳозирги ҳолатини ёритишга бағишланган мақолаларни тайёрлаш ва жойлаштириш;

хайвонот боғи худудида аудио-гид хизматларини ташкил этиш;

хайвонот боғининг ноёб хайвонот дунёси тўғрисида зарур обзорли ахборотни тақдим этган ҳолда йўл кўрсатувчи — электрон харитани ташкил этиш, жумладан хайвонот боғининг бутун худуди бўйича электрон ахборот дисплейларини қўллаш;

хайвонот боғи маъмурий-бошқарув биноларини кенг полосали Интернет билан таъминлаш.

III. Концепцияни амалга ошириш механизми

17. Концепция 2016 — 2020 йиллар даврида Тошкент хайвонот боғини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш тадбирлари режаси (кейинги ўринларда Тадбирлар режаси деб аталади) сифатли ва тўлиқ бажарилиши орқали амалга оширилади.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Тадбирлар режасининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини мувофиқлаштириш ҳамда тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда амалга оширилиши устидан назорат қилиш Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги томонидан амалга оширилади, улар:

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига молиялаштириш манбаларини аниқлаштириш учун тегишли лойиҳалар бўйича таклифлар киритадилар;

масъул бажарувчилар билан биргаликда моддий-техника ресурслари, технологик қувватлар ва шу кабиларни ҳисобга олган ҳолда Тадбирлар режасини ўрганадилар ҳамда аниқлаштириш ва тузатиш бўйича таклифлар тайёрлайдилар;

ушбу Концепцияни амалга ошириш учун ажратилган молиявий маблағлар ва моддий ресурслардан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан мониторинг олиб борадилар;

Тадбирлар режасини, шунингдек Концепцияни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, амалга ошириш усуллари ва шарт-шароитлари бўйича таклифлар киритадилар;

Концепцияни амалга ошириш бўйича Тадбирлар режасининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотни ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этадилар.

19. Тадбирлар режасида белгиланган масъул бажарувчилар:

белгиланган муддатлар ва ишлар ҳажмига мувофиқ тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини;

Тадбирларни амалга ошириш учун ажратилган молиявий маблағлардан аниқ мақсадда ва самарали фойдаланишни;

Тошкент шаҳри ҳокимлигига ҳар чораклик асосида Концепция ва Тадбирлар режасининг амалга оширилиши тўғрисида ахборот тақдим этилишини;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт

вазирлигига Концепцияни ва Тадбирлар режасини амалга оширишни молиялаштириш манбаларини аниқлаш учун кейинги йил учун молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжлар тўғрисида асосланган таклифлар белгиланган тартибда киритилишини;

олдинга қўйилган мақсадлар ва вазифаларга эришишга таъсир қилиши мумкин бўлган хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича ўз вақтида зарур чораларни кўриш учун бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг мониторинги доимий асосда олиб борилишини таъминлайдилар.

**2016 — 2020 йиллар даврида Тошкент ҳайвонот боғини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш тадбирлари
РЕЖАСИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Масъул вазирликлар ва идоралар	Тадбирни амалга оширишнинг ҳисобланган қиймати* (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Бажариш муддатлари
I. Инфратузилма ва моддий-техник базани ривожлантириш					
1.	Техник топшириққа биноан ёввойи ҳайвонларни тутқунликда сақлаш бўйича халқаро талабларга мувофиқ Тошкент ҳайвонот боғи (кейинги ўринларда ҳайвонот боғи деб аталади) объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш (маҳаллий қозонхона биносини, совуқ ва иссиқ сув таъминоти, иситиш, энергия таъминоти, газ таъминоти тизимини, шунингдек ҳайвонот боғи вольерларини реконструкция қилиш)	Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Тошкент ҳайвонот боғи, «Давархитектқурилиш» кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК	Маҳаллий бюджет	Тошкент шаҳри ҳокимлиги маблаглари	2016 йил
2.	Ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ ҳайвонот боғи объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш	Тошкент шаҳри ҳокимлиги, «Давархитектқурилиш» кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК	Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши якунлари бўйича аниқланади	Молиялаштириш манбалари лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши якунлари бўйича аниқланади	2016 — 2020 йиллар
3.	Ҳайвонот боғи ҳудудида вольерлар ва «Аквариум» қуриш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш	«Давархитектқурилиш» кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК	Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши якунлари бўйича аниқланади	Молиялаштириш манбалари лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши якунлари бўйича аниқланади	2017 йил
4.	Ҳайвонот боғи ҳудудида ташриф буюрувчилар учун замонавий болалар кўнгилочар аттракцион майдончалари, wi-fi зонали қаҳвахоналар ва шу кабиларни ўз ичига олувчи қўшимча қулайликлар ташкил этиш.	Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, Тошкент ҳайвонот боғи	1000,0	Тошкент ҳайвонот боғининг бюджетдан ташқари маблаглари	2016-2017 йиллар
5.	Ҳайвонот боғида экскурсиялар ташкил этиш учун иккита электромобиль харид қилиш	Тошкент ҳайвонот боғи	700,0	Тошкент ҳайвонот боғининг бюджетдан ташқари маблаглари	2016 йил

Т/р	Тадбирлар номи	Масъул вазирликлар ва идоралар	Тадбирни амалга оширишнинг ҳисобланган қиймати* (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Бажариш муддатлари
II. Илмий-тадқиқот ва селекция фаолиятини ривожлантириш					
6.	Ҳайвонот боғи тузилмасида ташкил этиладиган зоология ва зоомухандислик лабораториялари негизида олий таълим муассасалари талабаларининг ихтисосли йўналишлар бўйича ишлаб чиқариш, дипломолди амалиётдан ўтишлари бўйича дастурларни ишлаб чиқиш, уларга бакалаврларнинг диплом, битирув ишларини ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратиш	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент ҳайвонот боғи	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент ҳайвонот боғи маблағлари	Доимо
7.	Илмий-маърифий фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантириш, шу жумладан: а) фаунистик тадқиқотларни ривожлантириш, шунингдек зоология ва зоомухандислик лабораториялари учун замонавий илмий мажмуа барпо этиш; б) чиплар ўрнатиш усули орқали ҳайвонларни ҳисобга олиш ва инвентаризация қилишнинг умумжаҳон дастури амалиётини жорий этиш; в) ҳайвонот боғи ҳайвонларининг маълумотлар базасини ташкил этиш ва зотлари китобларини тузиш	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Тошкент ҳайвонот боғи	Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва ҳайвонот боғининг бюджетдан ташқари маблағлари доирасида	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тошкент ҳайвонот боғи маблағлари	2017-2018 йиллар
8.	Қуйидагилар йўли билан ҳайвонот боғи мутахассисларининг малакасини ошириш: а) Европа ва Осиё ҳайвонот боғлари ва аквариумлари минтақавий ассоциацияси томонидан ўтказиладиган йиллик конференцияларда ҳайвонот боғи мутахассисларининг иштирокчини таъминлаш; б) ходимларни жаҳоннинг етакчи ҳайвонот боғларига стажировкага юбориш	Тошкент ҳайвонот боғи, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	30,0	Тошкент ҳайвонот боғининг бюджетдан ташқари маблағлари	Ҳар йили
9.	Қимматбаҳо ва ноёб ҳайвон турларини сунъий чапиштириш орқали замонавий селекция ва инкубация технологияларига раван ўтиш чора-тадбирларини амалга ошириш.	Тошкент ҳайвонот боғи	100,0	Тошкент ҳайвонот боғининг бюджетдан ташқари маблағлари	2017-2018 йиллар
III. Ҳайвонот дунёси коллекциясини сақлаш, тўлдириш ва бойитиш					
10.	Маҳаллий фауна вакиллари ҳисобига ҳайвонот боғи коллекцияси тур таркибини тўлдириш ва бойитиш ҳамда янги жуфтларни шакллантириш, коллекциянинг тур тар-	Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Тошкент ҳайвонот боғи	100,0	Тошкент ҳайвонот боғининг бюджетдан ташқари маблағлари	Заруриятга кўра

T/p	Тадбирлар номи	Масъул вазирликлар ва идоралар	Тадбирни амалга оширишнинг ҳисобланган қиймати* (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Бажариш муддатлари
	кибини генетик янгилаш учун ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонларни бошқа ҳайвонот боғлари билан айирбошлашга доир фаолиятни кенгайтириш, шунингдек яқин қон чагишувларини истисно этиш				
11.	Фаунанинг йўқолиб бораётган ва эндемик турлари коллекциясини кенгайтириш.	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Тошкент ҳайвонот боғи	50,0	Тошкент ҳайвонот боғининг бюджетдан ташқари маблағлари	Заруриятга кўра
12.	Аниқ мақсадга йўналтирилган махсус эпизоотга қарши тадбирларни амалга ошириш;	Тошкент ҳайвонот боғи	-	Тошкент ҳайвонот боғининг бюджетдан ташқари маблағлари	Доимо
IV. Таълим ва маданий-маърифий фаолиятни ривожлантириш					
13.	Мактабгача ва мактаб ёшидаги ўқувчилар учун махсус тўғараклар ташкил этиш	Тошкент ҳайвонот боғи, Халқ таълими вазирлиги	Харажатлар талаб этилмайди	Тошкент ҳайвонот боғи, Халқ таълими вазирлиги маблағлари	2016 йил
14.	Мактаб ўқувчилари учун мультимедиа таълим ресурслари дастурини ишлаб чиқиш, ҳайвонот боғида академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабаларининг ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётидан ўтишларини ташкил этиш	Тошкент ҳайвонот боғи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,	30,0	Тошкент ҳайвонот боғининг бюджетдан ташқари маблағлари	2016 йил
15.	Ўқув курслари, экскурсиялар, кўргазмалар ташкил этиш, шунингдек радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар уюштириш ва оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилиш йўли билан таълим ва маърифий фаолиятни ривожлантириш	Тошкент ҳайвонот боғи, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	50,0	Тошкент ҳайвонот боғининг бюджетдан ташқари маблағлари	Доимо
16.	Кўргазмали ахборот материалларини, шу жумладан ҳайвонот боғи фаунасининг хилма-хиллиги тўғрисида реклама буклетларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, нашр этиш ва эълон қилиш	Тошкент ҳайвонот боғи	50,0	Тошкент ҳайвонот боғининг бюджетдан ташқари маблағлари	Заруриятга кўра
17.	Ҳайвонот боғига мактаблар, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабаларининг бепул ташрифларини ташкил этиш бўйича уч томонлама режа-жадвалларни тасдиқлаш	Тошкент ҳайвонот боғи, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	-	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент ҳайвонот боғи маблағлари	2016 — 2020 йиллар

Т/р	Тадбирлар номи	Масъул вазирликлар ва идоралар	Тадбирни амалга оширишнинг ҳисобланган қиймати* (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Бажариш муддатлари
V. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва кенг қўллаш					
18.	Ҳайвонот боғининг http://www.ipzoo.uz веб-сайтini такомиллаштириш. Бунда куйидагиларни назарда тутиш: веб-сайтни Content Management System (CMS) бош-қарувининг профессионал тизимига ўтказиш; веб-сайт дизайнини яхшилаш; веб-сайт функцияларини кўпайтириш; веб-сайт бўлимлари билан ишлашда янада қулай интерфейс ташкил этиш; веб-сайтда ҳайвонот боғи бўйлаб виртуал саёҳат (3D) турларини яратиш ва жойлаштириш ва уларни доимо янгилаш ва ривожлантириш; павильонлар, кўнгилочар аттракционлар, кафе ва ҳайвонот боғининг бошқа инфратузилмаси жойлашуви тўғрисидаги батафсил маълумот берадиган электрон харита-йўлқўрсаткич яратиш	Тошкент ҳайвонот боғи, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	50,0	Тошкент ҳайвонот боғининг бюджетдан ташқари маблағлари	2016 йил охиригача, доимий асосда янгиланган ҳолда
19.	Интернет тармоғининг машҳур қидирув тизимларида ҳамда электрон карталарда (Google ва бошқалар) ҳайвонот боғи тўғрисидаги батафсил ахборотни жойлаштириш ва куйидаги ахборотни кўрсатиш: ҳайвонот боғига бориш чизмаси; ҳайвонот боғининг иш жадвали; кириш чипталарининг нархи; ҳайвонот боғининг схематик харитаси; ҳайвонот боғи фаунаси тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар	Тошкент ҳайвонот боғи	20,0	Тошкент ҳайвонот боғининг бюджетдан ташқари маблағлари	2016 йил охиригача, доимий асосда янгиланган ҳолда
20.	Ҳайвонот боғининг тарихига, унинг илмий фаолиятига, фаунасига ва шу кабиларга бағишланган мақолалар тайёрлаш ва уларни умумтаълим «ZiyoNet» тармоғида жойлаштириш	Тошкент ҳайвонот боғи	10,0	Тошкент ҳайвонот боғининг бюджетдан ташқари маблағлари	Доимо
21.	Ҳайвонот боғида аудио-гид хизматларини ташкил этиш учун замонавий ускуналар жамламасини харид қилиш	Тошкент ҳайвонот боғи	50,0	Тошкент ҳайвонот боғининг бюджетдан ташқари маблағлари	2016 йил

Т/р	Тадбирлар номи	Масъул вазирликлар ва идоралар	Тадбирни амалга оширишнинг ҳисобланган қиймати* (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари	Бажариш муддатлари
22.	Ташриф буюрувчиларни, ходимларнинг иш вақтини ва ҳайвонот боғи хавфсизлигини таъминлаш учун асбоб-ускуналар мажмуини ўз ичига олувчи тизимни харид қилиш орқали сенсорли тўсиқлар ва панжалардан фойдаланиладиган электрон турникет тизимни ўрнатиш	Тошкент ҳайвонот боғи	160,0	Тошкент ҳайвонот боғининг бюджетдан ташқари маблағлари	2016 йил

* Тадбирларни амалга ошириш қиймати дастлабки қиймат ҳисобланади ва аниқлаштирилиши керак.